

**«ЖУДОЛИК ДИЁРИ» РОМАНИДА ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ
ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР
ТУРСУНОВА САНОБАР НАЖМИДДИНОВА**

Алишер Навоий номли ўзбек тили ва адабиёти университети тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6812063>

Аннотация. Ушбу мақолада, адабиётимизнинг нуфузли етук олими Мурод Мансурнинг “Жудолик диёри” романининг ўзига хослиги, асарнинг тили, услуби ва унда фразеологик ибораларни ўз ўрнида қўллаши, адабиётимизда янгилик кашф этиши, ёзувчининг индивидуал услубга эга эканлиги ҳақида сўз юритилади. Бу эса адабиёт ва тилишунослик йўналиши учун катта ижод мактаби бўла олади.

Калит сўзлар: фразеологик бирлик, фразеология, иборалар, тил ва услуб, индивидуал услуб, образ, персонаж, поэтик маҳорат, тил имкониятлари.

**ОБ ИСПОЛЬЗОВАНИИ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ В РОМАНЕ «ЗЕМЛЯ
ИУДАИЗМА»**

Аннотация. В данной статье говорится о своеобразии романа «Земля иудаизма» Мурада Мансура, влиятельного зрелого знатока нашей литературы, о языке и стиле произведения и уместном использовании в нем фразеологических выражений, открывающих новое в нашей литературе, и индивидуальный стиль писателя. Это может стать отличной творческой школой по литературе и языкознанию.

Ключевые слова: фразеологизм, фразеология, словосочетание, язык и стиль, индивидуальный стиль, образ, персонаж, поэтические способности, языковые возможности.

**ON THE USE OF PHRASEOLOGICAL UNITS IN THE NOVEL "LAND OF
JUDAISM"**

Abstract. This article talks about the originality of the novel "Land of Judaism" by Murad Mansur, an influential mature scholar of our literature, the language and style of the work and the appropriate use of phraseological expressions in it, discovering new things in our literature, and the writer's individual style. This can be a great creative school for literature and linguistics.

Key words: phraseological unit, phraseology, phrases, language and style, individual style, image, character, poetic skills, language capabilities.

КИРИШ

Адабиёт олами инсонларнинг, маънавият майдони бўлиб унда ҳар бир миллатнинг нозик қалб, ҳис- туйғулари кашф бўлади. Бу оламнинг қаҳрамонлари кўш каби нур сочиб тураверади. Мурод Мансур ижодининг ўзига хослиги, фразеологик иборалардан ўз ўрнида фойдаланиши кўп миллатли халқимизни, кенг китобхонларни диққатига сазовор бўлди. Маълумки, ҳар бир миллатнинг ўзига хос тили, кўриш йўсини, эшитиш мақоми, идрок этиш ҳолати бор. Мурод Мансурнинг ижод наъмуналари бунга ёрқин мисол бўла олади. Масалан жони чикди, тепа сочи тикка бўлди, етти ухлаб тушига ҳам кўрмаслик каби

ибораларда якқол намоён бўлади, чунки бу иборалар тилимизнинг бебаҳо нодир бойлиги бўлиб, унда халқнинг турмуш тарзи намоён бўлган. Тилшуносликда ибораларни, унинг хусусиятларини ўрганувчи фанга фразеология дейилади. Фразеологик бирликларсиз асар асардек бўла олмайди. Ўзбек тилшунослигида фразеология масалалари бўйича профессор Ш.Раҳматуллаев, М.Йўлдошев, Б.Йўлдошев ва бошқа тадқиқотчилар томонидан атрофлича тадқиқ қилинган.

Ёзувчи асар таъсирчанлигини ошириш ва маъноли чиқиши учун ҳам ибораларни маҳорат билан қўллайди. Шу маънода ўзбек адабиётининг моҳир ёзувчиси Мурод Мансур наср майдонига кўп йиллик ижодий тажрибага эга бўлган ёзувчи сифатида кириб келди. Мурод Мансурнинг адабиёт оламида муҳим ўрин тутадиган, ўзига хос ўрни борлиги фикримизни асил исботидир. Унинг “Жудолик диёри” (5 томлик) асари ўқувчилар оммасига кенг тақдим этилди. Романда иборалар, шевага хос сўзлар шундай кўзга ташланадики, ёзувчи Тошкент шевасига хос сўзларни, ўхшатишларни юксак маҳорат билан қўллаганига гувоҳ бўламиз.

Романнинг ўзига хослигини ёзувчининг тили, қўллаш услуби, тил имкониятларидан ўринли фойдаланиши ва фразеологик (иборалардан) бирликлардан кенг фойдаланганини кўришимиз мумкин.

Адиб асардаги қахрамонларнинг ҳис-ҳаяжони, яшаш тарзи каби хислатларни тасвирлаш мақсадида кўпроқ фразеологик иборалардан фойдаланган. Масалан, “**Ўтакам ёрилиб** пастга қарасам, Солининг қўйни бўшаб, оқ-қизил олмалар ер билан битта бўлиб ётибди”. (Жудолик диёри, 99-бет).

Адиб бош қахрамон Мақсудхўжанинг боғ эгасини чўчиб ўйғонишидан чўчиганини тасвирлаган. Масалан, “**Ўпкам оғзимга тиқилиб**, мактабга етиб борсам, аллақачон ҳамма синф-синфига кириб кетибди” (Ўша асар, 57-бет).

Бу ўринда адиб Мақсудхўжанинг кучли ҳаяжонланиб, ҳовлиққанидан энтикиб кетиши, ҳатто гап-сўз айтиши қийин ҳолати назарда тутилган. Ёзувчи бу иборани Мақсудхўжа хатти-ҳаракатини таъкидлаш мақсадида қўллаган.

Табиийки, ёзувчи тўғри келган ҳар қандай иборани ҳам бадий асарга олиб киравермайди. Мурод Мансур маҳоратли ёзувчи сифатида асар тилининг таъсирчанлиги ва ширадорлигини таъминловчи ибораларни танлайди.

Яна бир мисолга эътиборни қаратамиз. Адабий тилда “юзини буриштирмақ” умумтил ибораси “бирор кишини писанд қилмай афтини буриштириш” маъносини билдиради. Романда бу ибора “юзлари бужмайиб кетмоқ” шаклида ўзгартирилиб, йиғламсираш, ёлвориш маъносида ишлатилган. Бу билан Қора Ғанининг ўзига хос ҳолати акс эттирилган.

«– Энди ўшатта қопсиз, Ғани ака.

“Қора Ғани – бошинг қани”нинг юзлари бужмайиб кетди» (195-бет).

Асарда “юз” сўзи билан боғлиқ “**юзига фотиҳа тортмоқ**” ибораси ҳам персонажлар нутқида қўлланиб, асарнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилган. Масалан:

“Ширали, куйлайдиган бир овозда Усмон тоғам дуо қиладилар. Ҳаммалари **юзларига фотиҳа тортиб**, гангур-гунгур билан сўраша кетадилар” (78-бет).

“Жудолик диёри” да тасвирнинг тугаллиги, образлар ҳаёти ва ички дунёси ифодасининг тиниқлигини таъминлаш учун халқ тилидан олинган иборалар кўп. Масалан, ўпкам оғзимга тикилиб, юрагим шиғиллаб, ўтакам ёрилиб, ерга кирмоқ, бош чайқамоқ каби халқ иборалари романда ўзининг муносиб ўрнини топган: **“Ўпкам оғзимга тикилиб, мактабга етиб борсам, аллақачон ҳамма синф-синфига кириб кетибди.”** (1-китоб, 57-бет). **Юрагим хунук шиғиллаб, Султонмурод акамга қарадим.**(1- китоб, 64-бет). **Ҳайбат акам-ку!- деб юбордим ўтакам ёрилиб.**(1-китоб, 65-бет). Почча мийиғларида жилмайиб, **бош чайқадилар.**(1-китоб, 159-бет). Ойимнинг кўзларига қарай олмас, **ер ёрилса, киргудек** ҳолда эди.(1- китоб,204 -бет).

Асарда персонажларнинг руҳий ҳолатини, ички кечинмаларини тасвирлашда ёзувчи “чўчиш, кўркув ҳисси” ни ифодаловчи **“юраги шув этди”, “юраги шиғиллаб”** каби қатор иборалардан фойдаланган ва бу билан таъсирчанликка эришилган.

Масалан, **“юраги шув этмоқ”** ибораси **“бир лаҳза ич-ичидан кўркиш, сесканиш”** маъносини билдиради. Бу ибора қаҳрамон нутқида Асол холаникига ўғри тушгани, унинг ташвишли қақшаган овозидан Максудхўжанинг кўркишига ишора қилиш мақсадида қўлланган:

“Юрагим шув сидирилиб, ойимларнинг енгларида тортқиладим:

- Ойи – ойи, эшитяпсизми, ўғри юрибди» (Ўша асар,18-бет). Кўринадики, муаллиф “юраги шув этмоқ” иборасидаги этмоқ сўзи ўрнида “сидирилмоқ” сўзидан фойдаланади ва бу билан, биринчидан оригиналликка эришади, иккинчидан иборалар сонини яна биттага кўпайтиради.

Иборанинг **“юраги шиғилламоқ”** варианты ҳам асарда ўз ифодасини топган. Бу ибора Максудхўжа қалбидаги кўркув, ҳаяжонланиш ҳиссини ифодалаш учун хизмат қилган:

«Мен остона ҳатлаб улгурмай, Ҳайбат акамнинг ўқдай зардали овози ҳовлидан келди:

-Максут қаттасан?!

Юрагим... шиғиллаб, Султонмурод акамга қарадим» (Ўша асар,64-бет).

Муаллиф кўпроқ фразеологик ибораларга мурожаат қилади. Унинг асарида биронта ҳам шунчаки ишлатилган иборалар йўқ. Асарда фразеологик иборалар қўлланар экан, бошқа сўзлар ёрдамида унинг маъноси янада кучайтирилади. Халққа “Тўнини тескари киймоқ ибораси” кенг тарқалган. Мурод Мансур иборадаги тўн сўзидан сўнг тескари сўзини қўйиб, тўнни янада конкретлашадими, Султонмуроднинг ўжарлик, қайсарлик, терслик табиати йўқлиги Саломхон ая тилидан аниқ ифодаланади. “Султонмурод унақа –бунақага тўнини тескари киймайди.” (Ўша асар, 203-бет). Мурод Мансур тасвир мақсадига мувофиқ, ибораларни танлаш билан кифояланиб қолмайди, балки уларни персонажлар табиати, ҳолати, ҳаёт тарзига мослаб ўзгартиради. У халқ ибораларининг тузилиши, мазмунини усталик билан саралаб, асарнинг мазмун моҳиятини бойитади. Қаҳрамоннинг руҳий ҳолатидаги жаҳли чиқишлилик, тиғизлилик тасвирида Мурод Мансур кўпроқ фразеологик ибораларга мурожаат қилади. Муайян бир тасвирда бир нечта бирликларни

кетма-кет келтириш орқали қаҳрамоннинг аҳволи, ҳолатининг расмини чизгандай бўлади. Мана бу парчада буни кўриш мумкин: “**Кўзимиз очиклигида** шунчалик, кейин нималар бўлмайди?! Бу гапни эшитиб, менинг ҳам **сочим тикка бўла бошлади**. –Нима қияптилар экан?- дедим нафасим бўғзимга тиқилиб.” (Ўша асар, 224-бет).

ХУЛОСА

Кўринадики, Мурод Мансур фразеологик бирликлардан унумли фойдаланади, баъзан эса уларни қайта ишлаб, маъно доирасини кенгайтиради. Натижада, адиб “Жудолик диёри” романи тилининг бой ҳамда таъсирчан бўлишига эришади. Булар адибнинг тил имкониятларидан яхши хабардор эканидан, ўзининг индивидуал услубига эгалигидан, қолаверса, асар муаллифининг поэтик маҳоратидан дарак беради.

Умуман, “”Жудолик диёри” романида Мурод Мансур халқ тилининг катта билимдони сифатида халқ ибораларидан усталик билан фойдаланган, уларни сайқаллаган, ўзи ҳам халқона ибораларни ясаб, уларни ўз ўрнига қўя билган.

REFERENCES

1. Йўлдошев М.Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати.Филол.фанлари.ном. ... дисс.-Тошкент, 2000 йил.
2. Йўлдошев Б.Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал –услубий хусусиятлари.Филол.фанлари док. ... дис.автореф. – Тошкент, 2000 йил.
3. Йўлдошев Маъруфжон. Чўлпон сўзининг сирлари. Тошкент, “Маънавият” 2002-йил, 40- бет.
4. Мурод Мансур.Жудолик диёри.Биринчи китоб. Тошкент, 2007-йил.
5. Мурод Мансур.Жудолик диёри.Иккинчи китоб. Тошкент, 2007-йил.
6. Мурод Мансур.Жудолик диёри.Учинчи китоб. Тошкент, 2006-йил.